

**СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ
(“QADRIYATIM.UZ” ПЛАТФОРМАСИ МИСОЛИДА)**

Зокирова Малика Баҳромжон қизи

Тошкент амалий фанлар университети 4-босқич талабаси

Республика Маънавият ва маърифат маркази Тошкент вилояти бўлимида иш юритувчи

E-mail: zokirovama006@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада сунъий интеллект технологияларининг маънавий қадриятларни шакллантириш ва тарғиб қилишдаги ўрни таҳлил қилинган. Хусусан, рақамли технологиялар шароитида миллий меросни сақлаш, тизимлаштириш ва оммалаштиришда замонавий платформаларнинг аҳамияти ёритилган. Шу нуқтаи назардан, “qadriyatim.uz” платформаси мисолида миллий қадриятларни интерактив ва инновацион усулларда тақдим этиш имкониятлари кўриб чиқилган. Мақолада сунъий интеллектнинг таълим, маданият ва маънавият соҳаларига таъсири, шунингдек, ёш авлоднинг маънавий онгини шакллантиришдаги аҳамияти илмий асосда баён этилган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, рақамли платформалар ва сунъий интеллект технологиялари миллий қадриятларни глобал миқёсда тарғиб қилиш, маданий меросни сақлаш ҳамда жамиятда маънавий барқарорликни таъминлашда муҳим восита ҳисобланади.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, миллий қадриятлар, рақамли платформа, маънавият, инновация.

Abstract: This article examines the role of artificial intelligence in shaping and promoting spiritual and national values. In the context of digital transformation, particular attention is given to the importance of modern platforms in preserving, systematizing, and popularizing cultural heritage. Using the example of the “qadriyatim.uz” platform, the study analyzes opportunities for presenting national values through interactive and innovative approaches. The paper also explores the impact of artificial intelligence on education, culture, and spirituality, as well as its significance in developing the moral consciousness of younger generations. The findings indicate that digital platforms and AI technologies serve as effective tools for promoting national values on a global scale, preserving cultural heritage, and ensuring spiritual stability in society.

Keywords: artificial intelligence, national values, digital platform, spirituality, innovation.

Кириш. Сунъий интеллект — бу инсон тафаккурига хос бўлган когнитив жараёнлар, хусусан, ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва қарор қабул қилиш каби функцияларни компьютер тизимлари орқали моделлаштиришга қаратилган комплекс технологиялар мажмуасидир. Мазкур технология катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш, улар асосида мантикий хулосалар чиқариш ҳамда фойдаланувчи эҳтиёжларига мослашган ҳолда самарали ечимлар таклиф этиш имконини беради.

Сунъий интеллект таълимини жорий этиш Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга. UNESCO тавсиялари шуни кўрсатадики, Сунъий интеллект фақат технологик билим эмас, балки ижтимоий онг ва ахлоқий қарашларни шакллантириш воситаси ҳамдир. Ўзбекистон шароитида сунъий интеллект таълими ёшларни келажак касбларига тайёрлайди, рақамли тафаккурни ривожлантиради ва халқаро майдонда рақобатбардошликни оширади.⁸⁷

Ҳозирги глобаллашув ва рақамлаштириш шароитида сунъий интеллект технологиялари нафақат техник ва иқтисодий соҳаларда, балки ижтимоий-гуманитар йўналишларда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, таълим, маданият ва маънавий тизимларида ушбу технологиялар билим ва қадриятларни узатишнинг янги, инноватсион механизмларини шакллантирмоқда. Шу нуқтаи назардан, сунъий интеллект асосидаги рақамли платформалар миллий қадриятларни сақлаш, тизимлаштириш ва оммалаштиришда замонавий восита сифатида алоҳида эътиборга лойиқдир.

Жумладан, “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.⁸⁸ Қарор ижросини таъминлаш мақсадида миллий рақамли платформалар шаклланиб, улар орқали маънавий-маърифий меросни сақлаш ва тарғиб қилиш ишлари янги босқичга кўтарилмоқда. Хусусан, “**qadriyatim.uz**” платформаси мазкур йўналишда ихтисослашган ҳолда миллий қадриятларни тизимли ва интерактив шаклда тақдим этиши билан алоҳида ажралиб туради.

Мазкур платформа ўзбек халқининг бой маънавий мероси, урф-одатлари, анъаналари ҳамда тарихий қадриятларини тизимли равишда жамлаб, фойдаланувчиларга интерактив шаклда тақдим этади. Унда миллий қадриятлар нафақат матн кўринишида, балки визуал, аудио ва мултимедиа воситалари орқали ёритилиши платформанинг самарадорлигини оширади. Бу эса айниқса ёш авлоднинг қизиқишини уйғотиш ва уларнинг маънавий онгини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

⁸⁷ Илмий тадқиқотлар ва уларнинг ечимлари журнали. UNESCO AI curriculum report – <https://worldlyjournals.com>

⁸⁸ O‘zbekiston Respublikasi Prezident qarori asosida “Qadriyat” elektron platformasi haqida ma’lumotlar. – <https://zamon.uz>

Шу билан бирга, жамланган материаллар асосида **“qadriyatim.uz”**— **“Миллий қадриятлар атласи”** электрон платформаси:

— доимий янгиланиб бориладиган;

— интерактив функцияларга эга;

— чет эл фуқаролари ва хориждаги ватандошлар учун Ўзбекистон маданияти, миллий қадриятлари, моддий ва номоддий маданий мероси ҳақида хорижий тилларда ҳолис ва ишончли маълумот берувчи;

— миллий маданий меросни рақамли форматда сақлаш ва тарғиб қилишга хизмат қилувчи ягона ахборот базаси вазифасини бажаради.

Айниқса, мазкур платформа Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантириш, маданий дипломатияни ривожлантириш, туризм салоҳиятини ошириш ҳамда хориждаги ватандошлар билан маънавий алоқаларни мустаҳкамлаш нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Платформада Ўзбекистон харитасининг жойлаштирилгани ва ҳар бир вилоятга оид рамзий тасвирларнинг берилиши миллийликни ҳудудий жиҳатдан ҳам акс эттиришга хизмат қилади. Бу ёндашув орқали фойдаланувчи нафақат умумий миллий қадриятлар, балки ҳудудларга хос маданий хусусиятлар билан ҳам танишиш имконига эга бўлади. Натижада, платформа миллий меросни нафақат умумлаштирилган, балки дифференциал ёндашув асосида ёритишга эришган.

Сунъий интеллект технологиялари ушбу платформада маълумотларни саралаш, фойдаланувчига мос тавсиялар бериш ҳамда индивидуал ўрганиш муҳитини яратишда муҳим рол ўйнайди. Платформа интерфейси ҳам миллий руҳда ишлаб чиқилган бўлиб, унда қадриятлар туркумларга ажратилган ҳолда тизимли жойлаштирилган. Жумладан, тарихий қадриятлар, миллий-ахлоқий қадриятлар, урф-одат ва маросимлар, миллий ўйинлар, байрамлар ҳамда илм-маърифатга оид йўналишлар алоҳида бўлимлар кўринишида тақдим этилган. Бу эса фойдаланувчига маълумотларни изчил ва қулай тарзда ўзлаштириш имконини беради. Натижада, ҳар бир фойдаланувчи ўз қизиқишлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб миллий қадриятлар билан танишиш имкониятига эга бўлади. Бу эса қадриятларни ўзлаштириш жараёнини янада самарали ва чуқурроқ қилади.

Бундан ташқари, сунъий интеллект асосидаги платформалар маънавий қадриятларни глобал миқёсда тарғиб қилиш имконини ҳам кенгайтиради. Рақамли муҳит орқали миллий меросни халқаро аудиторияга етказиш, ўзбек маданиятини дунёга танитиш ҳамда маданиятлараро мулоқотни ривожлантириш учун янги имкониятлар яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, **“qadriyatim.uz”** платформаси сунъий интеллект ва рақамли технологиялар имкониятларидан фойдаланган ҳолда миллий қадриятларни замонавий, интерактив ва таъсирчан шаклда тақдим этаётган муҳим маънавий-маърифий ресурс сифатида намоён бўлади. Сунъий интеллект технологиялари ва рақамли платформалар миллий

кадриятларни сақлаш, ривожлантириш ва оммалаштиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Улар орқали анъанавий мерос замонавий шаклга эга бўлиб, ёш авлод онгида мустаҳкам маънавий пойдевор яратишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

- [1] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Nomoddiy madaniy merosni muhofaza qilish, ilmiy o‘rganish va targ‘ib qilishni rivojlantirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori.
- [2] “Qadriyat” elektron platformasi haqida rasmiy ma’lumotlar. – <https://zamon.uz>
- [3] “Qadriyat” platformasi va uning imkoniyatlari haqida. – <https://spot.uz>
- [4] UNESCO. Artificial Intelligence in Education. – <https://www.unesco.org>
- [5] UNESCO AI curriculum report – <https://.com>